

# Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2021 йил  
15 январь,  
жума  
№ 2 (827)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз фахрийлари! Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кuni билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу кутлуғ айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тимсолига айлиниб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Таъкидлаш кераки, **миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоати ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, баргикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлигидадир**. Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур хис этмоқдамиз.

Ишончим комилки, **ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч раҳна солломайди, демократик ослотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайди**.

Биз Баҳодир ва доворак ҳарбийларимиз билан — ўзининг муқаддас қасамидига содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўйда ҳам шараф ила адо этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган кўркам ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг **ота-оналарига**, шунингдек, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўртоқлари билан баҳам қўриб келаётган меҳрибон ва сабр тоқатли **рафикаларига** улкан миннатдорлик билдираман.

**Биз сизларнинг тимсолингизда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюк маънавий кучни кўраимиз. Бугунги улғаймада сизларнинг ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишда муносиб хиссангиз борлигини яна бир бор катта мамнуният билан эътироф этамиз.**

**Қадри дўстлар!**

Биз бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Шу асосда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва

Қуролли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

**Ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта қўриб чиқилди, қўшинлари бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.**

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. **Энг муҳими, "Армия ва халқ — бир тану бир ҳандир"** деган улғу ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари республикамиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

**Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера олади-кан эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.**

Албатта, ўтган 2020 йил ҳақидаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йили бўлди. Биз коронавирус пандемиясининг таҳдидига, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида қутилмаган табиий ва техноген офатларга дуч келдик.

Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуролли Кучларимиз соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг **"Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ — чин вазифангиздур"**, деган эзгу даъватини ўзига шиор қилиб олди.

Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва қўқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини, юқори касбий маҳоратни намойён этганлари алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуролли

Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани аҳоли саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини беради.

**Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, Фавкулдада вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва иктисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.**

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илгор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди.

Паҳлавон ва ботир ўғлонларимиз халқро ҳарбий-ўқув машғулоти, армия ва спорт мусобақаларида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларига асло бўш келмасдан, галаба бўлган иродасини яққол намойиш этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини исботламоқдалар.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Биз глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамайдан, ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шахарчаларни ободонлаштириш, уларда замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттиряпмиз.

**Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш янада кучайтириб, мутлақо янги босқичга кўтарамиз.**

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форумида, Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномамизда ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни аниқ белгилаб бердик.

**Янги Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом, Она Ватанга фидойи ва жонқуяр инсонлар бўлиб улғайиши, шонли тарихи-**

**миздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшаши учун барча куч ва имкониятимизни тўлиқ сафарбар этамиз.**

Жаҳонда мафқуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий оғоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Айниқса, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларига мафқуравий иммунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

**Ҳурматли мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!**

Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан, мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

**Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч меҳнати, осойишта ҳаётини, юртимизнинг мусаффо осмонини кўз қорачигидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.**

**Ҳурматли дўстлар!**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кuni билан сиз, азизлар ва оила аъзоларингизни яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмат-эътиромини сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти,  
Қуролли Кучлар  
Олий Бош Қўмондон

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: АРМИЯ ФАҚАТ ҚУРОЛ ВА АСЛАҲА БИЛАН ЭМАС, ОНА ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ АЯМАЙДИГАН ҲАРБИЙЛАР БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳи ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

14 январь кuni ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини йиғилганларни, барча ҳарбийларни, уларнинг оила аъзоларини байрам билан муборакбод этди.

Маросимда таъкидланганидек, ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар кuni, ҳар дақиқада амалда исботлаётган аскар ва офицерларимиз бизнинг фахримиз ва гуруримиздир. Айниқса, ўтган йили ўз вазифасини адо этиш билан бирга, халқимиз бошига тушган оғир синовларни мардона енгиб ўтишда уларнинг хизматлари нечоғли катта бўлганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сўнгги йилларда мамлака-

тимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Илгари армия алоҳида, халқ алоҳида бир дунё эди. Президент Шавкат Мирзиёев илк кунлардан "халқ билан армия — бир тану бир жон" деган муҳим ғояни илгари сурди ва вазият тубдан ўзгарди.

Ҳарбий қисмлар эшиклари халқ учун, бўлажак Ватан посбонлари — ёш авлод учун ҳамиша очик бўлиши кераклиги таъкидланди.

Истиклол ғояларига садоқатли, ватанпарвар ҳарбий кадрларнинг янги авлодини етиштиришга катта эътибор берилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 29 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni

## Шараф сизга, матонатли посбонлар!



Унга Мудофаа, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Фавкулдада вазиятлар вазирлиги, Божхона хизмати ва соҳага дахлдор бўлган бир қатор тузилмаларнинг ходимлари, фахрийлар, ҳарбий академиялар, билим даргоҳларининг курсантлари, уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Давлатимиз мадҳияси янграйди. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейте-

нант Баҳодир Курбонов ўқиб эшиттирди.

Тинч ва осойишта ҳаётимиз, ёрғу ва беҳавотир кунларимиз ҳарбийларнинг фидойиллиги, садоқати, матонатига бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда мудофаа соҳасини тубдан ислоҳ этиш, уни тезкор замон талабига монанд тарзда муттасил такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Куч-



ларнинг жанговар қудрати ва қобилиятини ошириш каби йўналишларда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан йўллаган байрам табригида ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта қўриб чиқилгани, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилгани алоҳида таъкидланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
Қ А Р О Р И

2020 йил 19 декабрь № 37 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва  
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг  
айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масаладар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида" ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида" 2013 йил 31 майдаги 8-сонли қарори:

номи, преамбула ва матнидаги "бошқа мажбурий тўловлар" деган сўзлар тегишли қисмларига қуйидагиларни қўшиб қўйиш шарт:

"Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи ҳужжатларини ёки солиқ қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган бошқа ҳужжатларни қасддан тақдим этмаслик ёки солиқ ҳисоботи тақдим этилганидан сўнг содир этилган, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида тўлов қобилиятсизлиги ҳолатини сўний равишда вужудга келтиришга қаратилган қилмишларда ифодалангани";

3-бандининг иккинчи — бешинчи хатбошлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"СК 17-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, қуйида-

ги солиқлар белгиланади:

- 1) қўшилган қиймат солиғи;
- 2) акциз солиғи;
- 3) фойда солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ижтимоий солиқ.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида бюджет тизимига мажбурий тўланадиган йиғимлар ҳам белгиланиши мумкин. Йиғимларни жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби СК ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Автотранспорт йиғимини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби СК билан тартибга солинади.

Бундан ташқари алкоғолли маҳсулотларни, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш учун йиғим, заргарлик буюмларини чакана савдоси учун йиғим каби бошқа йиғимлар қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган (масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрисида" ги УРҚ-589-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5721-сонли Фармони);

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун моҳияти

## Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар

суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини қайта кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган

Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятга адолатни қарор топтиришда оғил судлов алоҳида ўрин тутганини эътиборга олган ҳолда, суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

Тарихимизда илк маротаба давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фариқ-қоний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий су-



Робохон МАҲМУДОВА,  
Олий суд  
раисининг биринчи ўринбосари

дида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман, шаҳарларда маъмурий судлар ташкил этилди. Бу тизим қисқа муддатларда ўз натижасини бера бошлади.

(Давоми 3-бетда) ▶











